



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
Капитал бозори

Капитал бозори ва давлат  
қимматли қоғозлари  
бозорининг маълумотномаси

2022 йилнинг I ярим йиллиги



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Капитал бозорини ривожлантириш департаменти

### Ўзбекистон Республикаси Капитал бозори ва Давлат қимматли қоғозлари бозорининг 2022 йил I ярим йиллик давр учун маълумотномаси





O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

МУНДАРИЖА

<b>1 . ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИ ЖОРӢ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ .....</b>	<b>3</b>
1.1. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи.....	5
1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 сонли Фармони билан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар.....	6
1.3. 2022 йил I ярим йиллигида Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида ўтказилган семинар-тренинг ва давра сухбатлари.....	7
<b>2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ .....</b>	<b>9</b>
2.1. Инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар.....	10
<b>3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ 11</b>	
3.1. 2022 йил 1 июль ҳолатига акциядорлик жамиятларининг ҳудудлар кесимида сони ва улар томонидан чиқарилган акциялар қиймати (млрд.сўм) .....	12
3.2 2022 йил I ярим йиллиқда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари сони тўғрисида маълумот.....	15
3.3. Эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг улушлари бўйича тақсимоти (2022 йил 1 июль ҳолатига) .....	15
3.4. 2022 йил 1 июль ҳолатига сугурта компаниялари томонидан чиқарилган акциялар қиймати (млрд.сўм) .....	16
3.5. Акциядорлик жамиятлари томонидан 2022 йил I ярим йил мобайнида чиқарилган қимматли қоғозларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот.....	17
<b>4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ 2022 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ.....</b>	<b>17</b>
4.1. Қимматли қоғозлар бозорининг жами битимлар ҳажми .....	18
4.1.1 “Тошкент” Республика фонд биржасининг асосий кўрсаткичлари .....	19
4.1.2. “Элсис-Савдо” АЖнинг асосий кўрсаткичлари .....	21
4.1.3. Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори бўйича асосий кўрсаткичлари .....	21
4.2. Қимматли қоғозлар бозорининг тармоқлар бўйича битимлар таҳлили.....	22
4.3. Қимматли қоғозлар бозорининг жами битимлар ҳажми бўйича таққослама таҳлили.....	23
4.4. “Тошкент” Республика фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари .....	24
4.5. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот (01.07.2022 йил ҳолатига) .....	25
4.6. Топ 10 Брокерлик компаниялари томонидан амалга оширилган савдо ҳажмлари.....	26
4.7. Ўзбекистон фонд бозори индекслари тенденцияси таҳлили .....	27
<b>5. 2022 ЙИЛНИНГ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИ ҲОЛАТИГА ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>29</b>
5.1. 2018-2022 йилларда жойлаширилган давлат қимматли қоғозлари (01.07.2022 й. ҳолатига).....	30
5.2. 2018-2022 йилларда жойлаширилган давлат қимматли қоғозлари муддатлар кесимида.....	31
5.3. ДҶҚ бозорини ривожлантириш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар .....	32
5.4. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорининг мувофиқлаштирувчи ва инфратузилма ташкилотлари .....	32



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

1 илова.....	35
2-илова.....	50
3-илова.....	50
4-илова.....	54
5-илова.....	56

## 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИ ЖОРӢ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, инвесторларнинг ҳуқук ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонунлари қабул қилинган ва улар мавжуд капитал бозорини шакллантирилишида муҳим аҳамият касб этади. Булардан энг асосийлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- ❖ “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (ЎРҚ-387, 03.06.2015);
- ❖ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (ЎРҚ-370, 06.05.2014);
- ❖ “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-392, 25.08.2015);
- ❖ “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги (ЎРҚ-375, 12.09.2014).

Эътиборли жиҳати, ушбу қонунлар республикамизда қимматли қоғозлар бозорини ҳамда акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи шартлари, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилишга қаратилган бир қатор нормаларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

**такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5073 сонли  
қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
давлат миқёсида капитал бозорни тартибга солиш, ривожлантириш  
ва қимматли қоғозларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат  
органи (регулятор) ҳисобланади.**




O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

1-расм

## 1.1. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи



Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш молия-банк тизими, шу жумладан капитал бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни ҳамда ушбу тизимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қиласди. Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги **“Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6207 сонли Фармони билан 2021-2023 йиллар мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

2-расм

## 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 сонли Фармони билан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар



Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги “**Капитал бозорини қўллаб-куватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ-90 сонли қарори билан капитал бозорини янада ривожлантириш, давлат акция пакетларини капитал бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.



### 1.3. Капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган 2022 йил I ярим йиллигига ўтказилган семинар-тренинг ва давра сұхбатлари

ПФ-6207-сон Фармон билан тасдиқланган “2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш” Дастурини ижросини сифатли таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан 2022 йил I ярим йиллигига қуидаги чора тадбирлар, семинар-тренинглар ва давра сұхбатлари амалга оширилди:

1. Жорий йилнинг **21 апрель** куни Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник күмаги ёрдамида жалб қилинган хорижий консультантлар иштирокида акцияларни хорижий фонд бозорларида оммавий жойлаштиришни амалга ошириш бўйича семинар-тренинг ташкил этилди.

2. Жорий йилнинг **30 июнь** санасида Молия вазирлиги ва Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида **Сукук ва Яшил Сукук** учун ҳуқуқий-меъёрий базани ишлаб чиқиш бўйича Концепция лойиҳасини тақдим этиш ва тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда хусусий сектор вакиллари ва хорижий ҳамкорлар билан муҳокама қилиш мақсадида семинар ўтказилди.

Семинар якунида **Сукук ва Яшил Сукук** чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича мавжуд ҳуқуқий тўсиқларни Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ва меъёрий базасига концептуал ҳужжат орқали ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф этишга келишилди.

3. Ўзбекистон Республикаси делегациясининг халқаро молия, пул ва капитал бозорлари ваколатли органлари ва иштирокчилари билан учрашиш учун жорий йилнинг **23 - 31 май** кунлари Туркия, Австрия (“Euromoney 2022” Халқаро форуми), Буюк Британия, Люксембург ва Бельгияга “роудшоу” сафари амалга оширилди.

Учрашув ва тадбирлар доирасида давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, давлат корхоналари акцияларини оммавий жойлаштириш (IPO) ҳамда маҳаллий молия бозорининг халқаро бозорларга интеграцияси бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди.



**O'zbekiston Respublikasi**  
**Moliya vazirligi**

Хусусан, мазкур “роудшоу” сафари давомида:

Халқаро инвесторларга мамлакатимиздаги макроиқтисодий ҳолат, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, инфляцияни жиловлаш ва фискал тақчиллик ошиб кетишининг олдини олиш ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш имкониятлари түғрисида батафсил ахборот берилди;

Жаҳон банкининг Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлиги (MIGA) билан ўтказилган учрашувда айрим давлат корхоналарига маблағларни **давлат кафолатисиз “MIGA”** суғуртаси ёрдамида жалб қилиш бўйича дастлабки муҳокамалар амалга оширилди;

**Вена шаҳридаги “Euromoney 2022”** халқаро форуми доирасида Польша, Венгрия Словакия ва Сербиянинг ҳамда Истанбулда Туркиянинг давлат қарзини бошқариш идоралари билан ўтказилган учрашувларда қарзни самарали бошқариш, халқаро инвесторларни ички молия бозорига жалб қилиш ва бирламчи дилерлик институтини жорий этиш тажрибаси ўрганилди;

Давлат қимматли қоғозларини диверсификация қилиш, янги турдаги облигациялар, жумладан инфляцияга боғланган қимматли қоғозларни муомалага чиқариш борасида **Туркия, Польша ва Венгрия** билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида дастлабки келишувга эришилди;

2022-2023 йилларда акциялари фонд бозорларида оммавий жойлаштирилиши режалаштирилган **“UzautoMotors” АЖ**, **“Ўзметкомбинат” АЖ** ва **“Олмалиқ КМК” АЖ** томонидан тақдимот ўтказилди;

**Лондон, Вена, Истанбул ва Люксембург фонд биржалари** билан Ўзбекистонда давлат улушига эга корхона ва банкларнинг акцияларини мазкур биржаларда жойлаштириш муҳокама қилинди;

Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозлари бозорини **“Clearstream”** ва **“Euroclear”** халқаро депозитарийларига



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

интеграция қилиш орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича тегишли музокаралар ўтказилди;

“Clearstream” тармоғига уланиш ҳамда “Raiffeisen Bank International”ни (Австрия) Ўзбекистонга (депозитарийда хорижий инвесторларнинг қимматли қоғозларини сақлаш хизмати) **кастодиан-банк** сифатида жалб қилиш бўйича керакли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

## **2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ**

Барчага маълумки, капитал бозори бўш турган пул маблағларни тўплаш, уларни мавжуд инфратузилма орқали капиталга айлантириш, сўнгра уни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари иштирокчилари (банклар, корхоналар, фирмалар, шу билан бирга мамлакат аҳолиси) ўртасида тақсимлаш муносабатларини, қимматли қоғозлар, шу жумладан акциялар ҳамда облигациялар билан олди-сотди операцияларини олиб боради. “Капитал бозори” тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришнинг мураккаблиги шунда кўринадики, унинг инфратузилмаси молиявий бозорнинг қисми ҳисобланган пул бозори билан чамбарчас боғлиқ ва молиявий инструментлар капитал бозори ва пул бозори учун бирхилдир.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари, булар эмитентлар, инвесторлар, инвестиция муассасалари, шунингдек, уларнинг бирлашмалари (уюшмалари), фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), давлат томонидан вакил этилган қимматли қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш идораларидан иборат. Фонд бозорининг барча иштирокчиларини профессионал, нопрофессионал ҳамда давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш идораларига бўлиш мумкин.


3-расм



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

## Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари



### 2.1. Инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар

1. 2021 йилнинг октябридан 2022 йилнинг февраль ойи якунига қадар Евropa тикланиш ва тараққиёт банки, АҚШ Савдо Департаменти ва АҚШ Ғазначилиги (хусусан АҚШ капитал бозоридаги SEC, FINRA ва CFTC каби тартибга соловчи органлар) техник кўмагини жалб қилган ҳолда, илғор хорижий тажриба асосида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштиришни назарда тутувчи, тўғридан-тўғри амал қиласиган **“Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди;**

2. Капитал бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат бирлашмасини ташкил этиш мақсадида хорижий тажриба ўрганилиб, уларни капитал бозорига жалб қилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди;



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

3. Корпоратив маълумотларнинг ягона портали негизида капитал бозорида маълумотларни ошкор қилиш ва хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи ягона марказлаштирилган ресурс имкониятлари кўлами кенгайтирилди;

4. Марказий депозитарийда Миллий рақамлаш агентлиги функцияси бўйича қимматли қоғозларга идентификация кодларини бириктириш мақсадида ISIN, CFI ва FISN халқаро кодлари стандартларини жорий қилиш имконини берувчи **автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ)** ишга туширилди ва мазкур кодларни жорий этиш юзасидан тегишли тартиб ишлаб чиқилди.

### **3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари умумий сони **629** та ташкил этиб, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин.


4-расм



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

### 3.1. 2022 йил 1 июль ҳолатига акциядорлик жамиятларининг худудлар кесимидағи сони ва улар томонидан чиқарилган акциялар қиймати (млрд.сўм)



2022 йил 1 июль ҳолатига жамиятлар томонидан жами **164,2 трлн.сўмлик** ҳажмда акциялар эмиссия қилинган бўлиб, ҳар бир жамият бир дона акциясининг ўртача номинал қиймати **1 755,29 сўмни** ташкил этади. Эмитентлар томонидан эмиссия қилинган акциялар сони **13,3 трлн. дона** бўлиб энг юқори улуши банк секторига тўғри келади.



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

1-жадвал

**2022 йил 1 июль ҳолатига акциядорлик жамиятларининг  
худудлар кесимидағи сони, улар томонидан чиқарилган  
акциялар сони ва қиймати**

№	Худуд номи	Акциядорлик жамиятлари сони	Чиқарилган акциялар ҳажми (млн.сўм)	Акциялар сони млн.дона
	Жами	629	164 192 902,7	13 305 538,3
1	Тошкент шаҳри	253	146 359 974,01	9 456 083,72
2	Тошкент вилояти	49	7 013 383,48	151 891,01
3	Қашқадарё вилояти	42	2 777 986,47	2 303 097,32
4	Навоий вилояти	17	2 370 193,66	16 664,38
5	Андижон вилояти	35	1 921 066,82	1 365 846,77
6	Фарғона вилояти	45	1 373 104,16	7 843,24
7	Жиззах вилояти	17	481 676,92	532,51
8	Самарқанд вилояти	28	365 810,95	336,58
9	Хоразм вилояти	29	309 668,21	1 603,21
10	Наманган вилояти	22	300 371,25	255,24
11	Сирдарё вилояти	16	284 456,82	267,96
12	Сурхондарё вилояти	21	241 592,47	258,52
13	Бухоро вилояти	35	205 674,89	252,19
14	Қорақалпоғистон Республикаси	20	187 942,59	605,66

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига **33 та** акциядорлик тижорат банклари томонидан **57,5 трлн.сўм**лик номинал қийматга эга бўлган жами **3,4 трлн. дона** акциялар эмиссия қилинган. Эмиссия қилинган акцияларнинг қиймат жиҳатидан умуний ҳажмининг юқори улуши



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi


“Ўзмиллийбанк” АЖга (22,1 фоиз) тўғри келади. Эмиссия қилинган акцияларнинг сони жиҳатидан эса энг юқори улуш “Ипотека банк” АТИБга (87,5 фоиз) тўғри келади.



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

### 3.2 2022 йил I ярим йилликда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари сони тўғрисида маълумот (ойлар кесимида)

1-диаграмма



5-расм

### 3.3. Эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг улушлари бўйича тақсимоти (2022 йил 1 июль ҳолатига)






O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

2022 йил 1 июль ҳолатига кўра Марказий депозитарийда **629 та** акциядорлик жамиятларининг **164 192,9 млрд.сўм** умумий номинал қийматига эга **13,3 трлн.дона** жами қимматли қоғозлар ҳисоби юритилмоқда. Шунингдек, **12 та** эмитент томонидан чиқарилган **770,9 млрд.сўм** умумий миқдорига эга **368 минг дона** корпоратив облигациялар ҳисоби олиб борилмоқда.

2-диаграмма

**3.4. 2022 йил 1 июль ҳолатига сұғурта компаниялари томонидан чиқарилган акциялар қиймати (млрд.сўм)**



Шу билан бирга республикада жорий йилнинг 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган **44 дона** сұғурта компаниялари томонидан **1 829,0 млрд.сўмлик** номинал қийматдаги жами - **2,7 трлн.дона** акциялар эмиссия қилинган.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар бўйича жами - **909 052 та** депонент ҳисоб рақамлари мавжуд бўлиб, шундан: **65 383 таси** юридик шахсларга ва **843 669 таси** жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

### 3.5. Акциядорлик жамиятлари томонидан 2022 йил I ярим йил мобайнида чиқарилган қимматли қоғозларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот


2022 йил I ярим йил давомида акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг жами миқдори 12,8 трлн.сўм бўлиб, 2,2 трлн.дона акциялар эмиссияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

6-расм

#### Давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қоғозлар сони бўйича етакчилик қилаётган 8 та акциядорлик жамиятлари

46,6%	“Universal sug‘urta” АЖ
	Номинал қиймати 0,01 сўмлик 1 000,0 млрд. дона
46,6%	“UzAuto Motors” АЖ
	Номинал қиймати 1 сўмлик 1 000,0 млрд. дона

1,5%	“O‘zsanoateksport” АЖ
	Номинал қиймати 1 сўмлик 31,5 млрд. дона
0,8%	“Unipolis” АЖ
	Номинал қиймати 1 сўмлик 18,1 млрд. дона
0,5%	“O‘zavtosanoat” АЖ
	Номинал қиймати 1 сўмлик 10,4 млрд. дона
0,4%	“Kafolat sug‘urta kompaniyasi” АЖ
	Номинал қиймати 1 сўмлик 9,7 млрд. дона



### 4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ 2022 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

2022 йилнинг I ярим йиллигига капитал бозори кўрсаткичлари бўйича миқдор жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар даври бўлди. Бу қимматли қоғозлар савдо айланмасининг ўсиши, битимлар тузишнинг жадаллашуви ҳамда қонунчилик ва мувофиқлаштириш ишларининг такомиллаштирилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–6096-сон ҳамда 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонларига мувофиқ трансформация қилиниши, хусусан IPO ўtkaziliши керак бўлган йирик давлат корхоналари, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклар рўйхати шакллантирилган. Буларнинг барчаси кенг жамоатчиликнинг мамлакатимиз фонд бозорига бўлган қизиқишини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

7-расм

#### **4.1. Қимматли қоғозлар бозорининг жами битимлар ҳажми**

Жами битимлар ҳажми 12 645,8 млрд.сўм




O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

**Битимлар ҳажми жами  
12 645,8 млрд.сўм**

**01** | Уюшмаган бозор

**02** | РФБ “Тошкент”

**03** | “Элсис савдо” АЖ



Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида 2022 йилнинг I ярим ийллигида савдо айланмасининг умумий ҳажми жами **12 645,8 млрд. сўмни** ташкил қилди ва битимлар ҳажмининг **73 фоизи** қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозорига тўғри келди. Битимлар сони бўйича умумий бозор айланмаси **46 293 тага** етди ва **351,5 млрд.** дона қимматли қоғозлар билан битимлар амалга оширилди.

8-расм


**4.1.1 “Тошкент” Республика фонд биржасининг асосий  
кўрсаткичлари**

Жами битимлар ҳажми 3 347,1 млрд.сўм



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi



"Оҳангаронцемент" АЖ

Битимлар ҳажми:  
1 900,8 млрд.сўм

"Капиталбанк" АТБ

Битимлар ҳажми:  
1 159,4 млрд.сўм

Бошқалар

Битимлар ҳажми:  
286,9 млрд.сўм

“Тошкент” Республика фонд биржаси фаолиятида 2022 йилнинг I ярим йиллигига сезиларли жонланиш кузатилиб, савдо айланмасининг умумий ҳажми **3 347,1 млрд. сўмни** ташкил қилди. Мазкур даврда фонд биржасида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони **41 450 тани** ташкил этган ҳолда, жорий йилнинг биринчи ярим иили давомида биржа савдолари орқали **101 та** акциядорлик жамиятининг **5 518 млн.** дона қимматли қоғозлари билан биржа битимлари амалга оширилди. Жумладан, “Artel Electronics” МЧЖнинг **30 млрд.сўмлик**, “Ўзметкомбинат” АЖнинг **98 млн. сўмлик** ва “Chust RIR mikrokredit tashkilot” МЧЖнинг **436 млн.сўмлик** облигациялари савдоси амалга оширилди.

Фонд биржаси савдо айланмасида сўнгги ойларда катта даражада ўсиш кузатилмоқда, бироқ қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифларнинг уюшган бозорда жамланиши етарли даражада эмас. Бу эса, ўз навбатида қимматли қоғозларнинг юқори ликвидлилигини ошириш имкониятини бермайди.

9-расм



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

#### 4.1.2.“Элсис-Савдо” АЖНИНГ АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Жами битимлар ҳажми 114,3 млрд.сўм



“Элсис-Савдо” АЖНИНГ 2022 йил I ярим йиллик савдо айланмасининг умумий ҳажми **114,3 млрд.сўмни** ташкил қилди. Мазкур савдо майдончаси орқали қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони **1 802 тани** ташкил этган ҳолда, ярим йил давомида **110 та** акциядорлик жамиятининг **77,6 млн.дона** қимматли қоғози билан битимлар амалга оширилди.

10-расм

#### 4.1.3. Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори бўйича асосий кўрсаткичлари

Жами битимлар ҳажми 9 184,3 млрд.сўм






O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозорида 2022 йилнинг I ярим йиллигига савдо айланмасининг умумий ҳажми **9 184,3 млрд. сўмни** ташкил қилди. Уюшмаган бозорда қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони **3 167 тани** ташкил этди ва ярим йил давомида **312 та** акциядорлик жамиятининг **345,9 млрд.** дона қимматли қоғозлари билан битимлар амалга оширилди.

2-диаграмма

#### 4.2. Қимматли қоғозлар бозорининг тармоқлар бўйича битимлар таҳлили



Капитал бозорининг 2022 йил I ярим йиллик давомидаги савдо айланмасининг таҳлили иқтисодиётнинг қурилиш ва банк тармоқларининг қимматли қоғозлари юқори инвестицион жозибадорлик касб этганини кўрсатди. Банк тармоғининг умумий савдо айланмасидаги улуши **45,4 фоиз ёки 5 737 млрд. сўмни** ташкил қилди. Қурилиш тармоғининг умумий савдо айланмасидаги улуши **41 фоиз ёки 5 191 млрд. сўмни** ташкил қилган.

Шунингдек, ўтган даврда умумий савдо айланмасида суғурта соҳасинининг улуши **1,4 фоиз ёки 181,3 млрд. сўмни** саноат соҳасининг улуши **1,3 фоиз ёки 162,4 млрд. сўмни**, агросаноат тармоғи улуши эса **1,2 фоиз ёки 156,1 млрд. сўмни** ташкил қилди. Бошқа тармоқларга кирувчи жамиятларнинг қимматли қоғозлари



O'zbekiston Respublikasi


Moliya vazirligi

билин амалга оширилган битимлар ҳиссаси савдо айланмасининг 9,4 фоизини ташкил этди.




11-расм

#### 4.3. Қимматли қоғозлар бозорининг жами битимлар ҳажми бўйича таққослама таҳлили

2021 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА  
ЖАМИ БИТИМЛАР ҲАЖМИ  
5 362,4 МЛРД.СҮМ



2022 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА  
ЖАМИ БИТИМЛАР ҲАЖМИ  
12 645,8 МЛРД.СҮМ



Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг 2021 йил I ярим йиллигидаги савдо айланмасининг умумий ҳажми **5 362,4 млрд. сўмни** ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг мазкур даврида савдо айланмаси жами **12 645,8 млрд. сўмни** ташкил этди, яъни савдолар 2 баробардан ортиғига ошган.

Эътиборлиси, агар 2021 йил I ярим йиллигидаги савдо айланмасининг фақатгина **16 фоизи** “Тошкент” фонд биржаси орқали амалга оширилган бўлса, 2022 йилнинг шу даврдаги битимлар ҳажмининг **26 фоизи** “Тошкент” фонд биржасига тўғри келди. Бу



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

кўрсаткич албатта фонд биржаси савдо айланмасида сўнгги даврда катта даражада ўсиш борлигини кўрсатади.

#### **4.4. “Тошкент” Республика фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари**

2022 йил 1 июль ҳолати бўйича биржа листинги тартиб-таомилидан **102** та акциядорлик жамияти муваффақиятли ўтган. Шундан, **11** та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари 2022 йилнинг I ярим йил давомида биржа котировкалаш варагига киритилди ҳамда биржа листинги тартиб-таомилларига жавоб бермаган **44** та жамиятга нисбатан делистинг тартиби қўлланилди.

Листинг компаниялари таркибига тижорат банклари, суғурта компаниялари, нефть ва газ саноати, агросаноат комплекси, энергетика ва металлургия тармоғи, қурилиш моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда бошқа бир қатор соҳаларда фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари киритилган. Бугунги кунда биржа котировкалаш варагидаги акциядорлик жамиятларининг **1** таси “Премиум” тоифа, **65** таси “Стандарт” тоифа, **33** таси “Транзит” тоифа ҳамда **3** таси “Бонд” тоифага мансубдир.

12-расм



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

## 4.5. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари

### Хақида маълумот

(01.07.2022 йил ҳолатига)

Инвестиция  
маслаҳатчиси

55 та

40 %

Жами  
профессионал  
иштирокчилар  
сони 72 та

Инвестиция  
активларини  
ишенчли  
бошқарувчилари

31 та

23 %

Инвестиция  
воситачиси  
50 та

37 %

Айрим профессионал иштирокчилар 2 ёки 3 кичик фаолият турини амалга оширишади.



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

**4.6. Топ 10 Брокерлик компаниялари томонидан амалга оширилган савдо ҳажмлари ва тузилган битимлар сони  
(2022 йил I ярим йиллик давомида)**

Савдо ҳажмлари бўйича		Битимлар сони бўйича	
Профессионал иштирокчи номи	Савдо ҳажми (млрд.сўм)	Профессионал иштирокчи номи	Битимлар сони
"BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY" MChJ	1 996,1	"FREEDOM FINANCE" QK MChJ	19 405
"ALP OMAD INVEST" MChJ	1 161,6	"KAPITAL-DEPOZIT" MChJ	12 702
"TOSHKENT INVESTITSIYA MAJMUI" МЧЖ	80,6	MChJ "DALAL STANDARD"	9 127
"Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi" AJ	50,5	"YES INVEST MANAGE" MChJ	3 234
"KAPITAL-DEPOZIT" MChJ	48,2	"PORTFOLIO INVESTMENTS" MChJ	3 178
"PORTFOLIO INVESTMENTS" MChJ	46,8	"NEFTGAZDEPOZIT" MChJ	2 922
"TAT REESTR" MChJ	41,1	"TOSHKENT INVESTITSIYA MAJMUI" MChJ	2 818
"FREEDOM FINANCE" QK MChJ	31,0	"TAT REESTR" MChJ	2 299
MChJ "OSIYO SARMOYA DEPO"	31,0	"PREMIUM FINANCE" MChJ	2 282
"PREMIUM FINANCE" MChJ	16,7	"Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi" AJ	2 179



## 4.7. Ўзбекистон фонд бозори индекслари тенденцияси таҳлили

Ўзбекистон Фонд бозорида **UCI индекси** энг асосийларидан бири ҳисобланади. Бу индекс “Тошкент” республикаси фонд биржаси тарафидан ишлаб чиқилган бўлиб, листинга киритилган барча акциялар асосида ҳисобланади.

13-расм



14-расм

Дата	Цена	Изменение	Количество ЦБ	Объем торгов
01.07.2022	757.35	▼ -9.09	2 438 808	363 586 454.44
30.06.2022	766.44	▲ 14.04	1 095 132	1 664 326 984.23
29.06.2022	752.40	▲ 6.76	1 389 817	148 209 912.77
28.06.2022	745.64	▲ 19.09	7 111 187	7 249 943 729.62
27.06.2022	726.55	▲ 4.13	257 937	109 743 798.90
24.06.2022	722.42	▼ 0.51	7 148 786	80 551 987.48
23.06.2022	722.93	▲ 10.52	3 087 126	630 494 216.02
22.06.2022	712.41	▼ -73.39	3 370 769	224 885 960.88
21.06.2022	785.80	▲ 36.14	3 325 279	195 273 412.11
20.06.2022	749.66	▲ 6.36	1 297 485	903 608 790.13

UCI индексининг 2022 йилдаги асосий ўзгаришлари қуйидагилар.



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

2022-йил 18 апрелдан (1 211,62) 2022-йил 22-апрель (737,56) санасигача индекс (474,06) 39,13 фоизга пасайган. Бу ерда ўзгаришларга асосий сабаб сифатида “Ўзметкомбинат” АЖнинг акциялари нархининг таъсирини кўрсатиш мумкин. Эмитент 15 апрель санасида ўзининг оддий ва имтиёзли акцияларини 1/10 нисбатда кўпайтирилиши ортидан капитализация ҳажми **68 196,3 млрд. сўмга** етди ва шу кунги умумий биржа капиталлашувининг 44,84 фоизини қайд этди. Бу ҳодиса табиийки индексга ўз таъсирини кўрсатди ва 18-апрелдан - 22-апрелгача эмитентнинг оддий акцияларининг нархи 149 500,00 сўмдан 15 002,00 сўмгача, имтиёзли акцияларининг нархи эса 46 125,33 сўмдан 4 800,00 сўмга пасайди.

UCI индексининг ўзгаришига савдо ҳажми ва сонига эмас, эмитентнинг бозор капиталлашувига (нарх ўзгаришига) узвий боғлиқ ва нарх ўзгариши ўз-ўзидан индекснинг тебранувчанлигига олиб келади.

Ҳозирда **EqRe Blue индекси** саккиз компаниянинг акцияларини ўз ичига олади. Индекснинг таркибига киритилиши учун маълум талаблар мавжуд - улар оддий акциялар бўлиши ҳамда ликвид бўлиши керак ва ушбу акцияларни чиқарган компаниялар охирги тўрт чоракда ижобий даромадга эга бўлишлари керак. Бугунги кунда индекс таркибига “Ҳамкорбанк” АТБ (НМКВ), “Кварц” АЖ (KVTS), “ЎзРТХАБ” АЖ (URTS), “ЎзСҚБ” АТБ (SQBN), “Қизилқумцемент” АЖ (QZSM), “Қувасайцемент” АЖ (KSCM), “Ўзметкомбинат” АЖ (UZMK) ва “Тошкентвино комбинати” АЖ (TKVK) киради.

15-расм



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi



## 5. 2022 ЙИЛНИНГ І ЯРИМ ЙИЛЛИГИ ҲОЛАТИГА ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТ

Узоқ муддатли узилишдан сўнг давлат бюджети дефицитини қоплаш манбаларини диверсификация қилиш ҳамда ички молия бозорларини ривожлантириш мақсадларида 2018 йил декабрь ойида давлат қимматли қоғозлари (кейинги ўринларда – ДҚҚ) чиқариш амалиёти қайта тикланди.

Ўтган даврда Молия вазирлиги томонидан асосий эътибор бозор иштирокчилар сафини кенгайтириш, бозордаги талабга изчиллик билан мослашиш, ДҚҚ муддатини имкон қадар узайтириш (даромадлилик чиғизини шакллантириш), аукционлар жадвалини олдиндан эълон қилиш орқали иштирокчиларда кўникма ҳосил қилиш чоралари кўрилди.

2020 йилда АҚШ Ғазначилиги консультантлари қўмагида ДҚҚ бозорини ривожлантириш, мазкур операцияларни халқаро стандартларга мослаштириш, инфраструктурани такомиллаштириш ва босқичма-босқич хорижий инвесторларга очишни назарда тутувчи чоралар дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур чоралар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли Фармони билан тасдиқланган



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

Капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга оширишга оид йўл харитасига киритилган.

Натижада, 2018-2021 йилларда ўтказилган аукционлар сони ва чиқарилаётган ДҚҚ ҳажмининг сезиларли равишда ошди.

Хусусан, 2022 йил 1 июлгача бўлган муддатда ўтказилган **136 та аукционда 15 189 млрд. сўм** миқдоридаги ДҚҚ жойлаштирилди. Шундан:

2018 йилда – 3 та аукционда 597 млрд. сўм;


2019 йилда – 15 та аукционда 1 550 млрд. сўм;

2020 йилда – 22 та аукционда 5 024 млрд. сўм;

2021 йилда – 64 та аукционда 4 866 млрд. сўм;

2022 йил 1 июль – 32 та аукционда 3,2 трлн. сўм (режа – соғ 6 трлн.сўм).

### 5.1. 2018-2022 йилларда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари (01.07.2022 й. ҳолатига)



2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида ДҚҚ аукционлари ўтказиш графигига мувофиқ **32 та** электрон аукцион савдоларини ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси номидан **3 151,4 млрд. сўмлик**




(шундан, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2 017,9 млрд. сўм) ДҚҚ эмиссия қилинди. Шундан:

муомала даври 6 ой бўлган ДҚҚ – 1 133,5 млрд. сўм;

муомала даври 1-3 йил бўлган ДҚҚ – 1 607,9 млрд. сўм;

муомала даври 5-10 йил бўлган ДҚҚ – 410,0 млрд. сўм.

## 5.2. 2018-2022 йилларда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари муддатлар кесимида



2022 йилнинг I ярим йиллиги давомида муомала даври 6 ой бўлган 1 521,0 млрд. сўм, муомала даври 1-2 йиллик бўлган 1 360,6 млрд. сўм қийматидаги ДҚҚ сўндирилди. Натижада, 2022 йил 1 июль ҳолатига қарздорлик қолдиғи 4,9 трлн.сўмни ташкил қилди.

Қайд этиш лозимки, ДҚҚ бозорини ривожлантириш чоратадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилган электрон савдоларда 2021 йил 27 апрелда **илк маротаба 5 йиллик ДҚҚ** ва савдоларда 2022 йил 25 январда **илк маротаба 10 йиллик ДҚҚ муомалага чиқарилди**. Ушбу ДҚҚнинг ўртача тортилган даромадлилиги мос равишда 12,65 ва 15 фоизни ташкил этиб, 5 ва 10 йиллик муддат учун бенчмарк яратилди.

Ўрта ва узоқ муддатли ДҚҚнинг эмиссия қилиниши миллий валютадаги паст хатарли инструментларни чиқариш орқали маблағларни жалб қилиш бенчмарки бўлиб хизмат қиласади, молиявий



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

инструментларни диверсификациялаш ҳамда молия бозорига янги иштирокчиларни (*суғурта компаниялари ва бошқалар*) жалб этиш учун замин яратади.

Қайд этиш жоизки, Молия вазирлиги томонидан давлат қарзи портфелини диверсификациялаш ва валюта хатарларини пасайтириш мақсадида ДҶҚни чиқариш ҳажми оширилмоқда ва ички молия бозорларини ривожлантириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони билан тасдиқланган 2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш чоралари белгиланган.*

ДҶҚ бозорини ривожлантириш борасида Молия вазирлиги билан АҚШ Ғазначилиги ўртасидаги ҳамкорлик доирасида АҚШ Ғазначилигининг маслаҳатчилари томонидан Молия вазирлигига техник кўмак кўрсатилмоқда.

### 5.3. ДҶҚ бозорини ривожлантириш йўлида амалга оширилган чора-тадбирлар

2021 йилдан капитал бозори иштирокчиларида **кўникма ҳосил қилиш** мақсадида **ДҶҚ аукционларини график** асосида олдиндан эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди;

ДҶҚ фоиз тўловларини тўлаш муддати халқаро стандартларга мос равишда — **ҳар олти ойда** тўлаш амалиёти жорий қилинди;

ДҶҚ бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида илк бор 2021 йил 27 апрель куни **5 йиллик ДҶҚ 100 млрд. сўм** ҳажмда **14% йиллик купон тўлови** билан ва 2022 йил 25 январь куни



**10 йиллик ДҶҚ 10 млрд. сўм ҳажмда 15% йиллик купон тўлови билан муомалага чиқарилди;**

муомала даври **2 йил бўлган “Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) + 6 фоиз”га тенг купон тўлови билан 111 млрд.сўм ҳажмдаги инфляцияга боғланган ДҶҚ жойлаштирилди ва инфляцияга боғланган ДҶҚ қоғозлари учун илк бенчмарқ яратилди;**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2022 йил 21 февралдаги** “Ўзбекистон Республикасининг давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 82-сонли Қарори тасдиқланди.

Ушбу қарорга мувофиқ:

- ДҶҚни Ўзбекистон Республикаси резидентлари (*шу жумладан, жисмоний шахслар*) ва норезидентлари сотиб олишлари мумкинлиги белгиланди;

- ДҶҚ бозорида дилер функцияларини бажариш учун **бирламчи ва иккиламчи дилерлик** тушунчалари киритилди;

- даромадлилик ва фоизларни ҳисоблашда Халқаро капитал бозорлари халқаро ассоциацияси (**ICMA**) томонидан қўлланиладиган формулалардан фойдаланиш мумкинлиги белгиланди;

- аукцион натижалари бўйича ҳисоб-китоблар **T + 0, T + 1 ва T + 2** халқаро стандартлари асосида амалга оширилиши белгилаб берилди;

- халқаро идентификация кодларини (**ISIN**) бериш орқали ДҶҚни чиқариш имконияти яратилмоқда;

- ДҶҚ бўйича фоиз тўловларини тўлаш халқаро стандартларга мос **ҳар олти ойда** амалга оширилмоқда;

- ДҶҚ бозоридаги операциялар тўғрисидаги **ахборотлар** (аукцион ўтказиш бўйича эълонлар, аукцион натижалари ва инвесторлар учун зарурий маълумотлар) мунтазам равища Молия



O'zbekiston Respublikasi

Moliya vazirligi

вазирлиги, Марказий банк ва ЎзРВБнинг расмий **веб-сайтларида** эълон қилиниши белгилаб қўйилди.

#### **5.4. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорининг мувофиқлаштирувчи ва инфратузилма ташкилотлари бўйича қўшимча манбаалар**

1. Молия вазирлиги - [www.mf.uz](http://www.mf.uz) / [@minfinuzb](https://t.me/minfinuzb) (*telegram* канали)
2. Марказий банк – [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) / [@centralbankuzbekistan](https://t.me/centralbankuzbekistan) (*telegram* канали)
3. Давлат активларини бошқариш агентлиги – [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz) / [@davaktivuz](https://t.me/davaktivuz) (*telegram* канали)
4. “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ – [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) / [@uzseofficial](https://t.me/uzseofficial) (*telegram* канали)
5. “Қимматли қофозлар марказий депозитарийси” ДУК – [www.deponet.uz](http://www.deponet.uz) / [@uzcsd](https://t.me/uzcsd) (*telegram* канали)
6. “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ - [www.uzrvb.uz](http://www.uzrvb.uz) / [@uzrvb\\_uz](https://t.me/uzrvb_uz) (*telegram* канали)
7. “Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ – [www.uzex.uz](http://www.uzex.uz) / [@uzexuz](https://t.me/uzexuz) (*telegram* канали)
8. “Фонд бозорининг Ахборот-ресурс маркази” ДУК - [www.fondbozori.uz](http://www.fondbozori.uz) / [@fondbozori\\_uz](https://t.me/fondbozori_uz) (*telegram* канали)

Ижрочилар:

Фарруҳ Ҳамдамов

Email: fhamdamov@cmd.mf.uz

Тел.: +(998) 71-203-0104

Носир Сафаев

Email: nsafaev@cmd.mf.uz

Тел.: +(998) 71-203-0113

Рўзиев Муҳаммад Бобир

Email: mruziyev@cmd.mf.uz

Тел.: +(998) 71-203-0107

Жаҳонгир Муродов

Email: jmurodov@cmd.mf.uz

Тел.: +(998) 71-203-0113

Маълумотномадан илмий иш ва бошқа мақсадларда фойдаланилганда Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этган ҳолда маълумот манбаси кўрсатилиши шарт. Шунингдек, ушбу маълумотнома бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни юқорида кўрсатилган почта манзилларига юборишингизни сўраймиз.



O'zbekiston Respublikasi

